

**Товар (махсулот) етказиб беришга  
ШАРТНОМА № 1**

Наманган в.

«17» Январь 2022 йил

Амалдаги Низом асосида иш кўрувчи, кейинчалик "Истеъмолчи" деб юритилувчи "1-sonli shahar shifoxonasi" номидан бюджет ташкилоти рахбари Т. Бойбедаев бир томондан ва амалдаги Устав асосида иш кўрувчи, кейинчалик "Етказиб берувчи" деб юритилувчи "ЕКО ВІО МЕДИКАЛ FARM" масъулияти чекланган жамият номидан иш кўрувчи рахбар А. Улуғбаев иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар:

**I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ**

1. Мазкур шартнома бўйича "Етказиб берувчи" "Истеъмолчи"га дори-дармон ва боғлов материаллари (кейинги ўринларда - "Товар (махсулот)" деб юритилади) етказиб бериш, "Истеъмолчи" эса уларни қабул қилиб махсулот сифатига тула жавобгарликни олиб ҳамда махсулот қийматини аниқлаштирувчи хужжатлар асосида бюджет маблағлар ҳисобидан туловни амалга ошириб беради.

**II. "ТОВАР (МАХСУЛОТ)" НИНГ СИФАТИ.**

2.1. Етказиб бериладиган "Товар (махсулот)" учун 24 ой муддатга қафолат берилади.

**III. ТОМОНЛАРНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

3.1. "Бюджет ташкилоти" нинг ҳуқуқлари:

"Етказиб берувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив хужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

"Товар (махсулот)" "Бюджет ташкилоти"га транспортда ташилганда "Етказиб берувчи"дан транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;

"Етказиб берувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган буюртманомага мувофиқ тегишли сифат, ассортиментдаги "Товар (махсулот)" етказиб берилишини талаб қилиш;

- зарур сифатга эга бўлмаган "Товар (махсулот)" етказиб берилмаган тақдирда ўз танлашига кўра:

- зарур сифатга эга бўлмаган "Товар (махсулот)" шунга ўхшаш "Товар (махсулот)" билан алмаштирилишини;

- баҳосининг мутаносиб тарзда қамайтирилишини талаб қилиш;

- мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қоплалишини "Етказиб берувчи"дан талаб қилиш.

3.2. "Бюджет ташкилоти"нинг мажбуриятлари:

ўз буюртманомаси бўйича етказиб берилган "Товар (махсулот)"ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

"Товар (махсулот)"га мазкур шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган нарх бўйича, қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланган пайтдан бошлаб «Тулаб берувчи» га тулов хужжатларини тақдим қилиш.

3.3. "Етказиб берувчи" куйидаги ҳуқуқларга эга:

Етказиб берилган "Товар (махсулот)" учун олдиндан ҳақ туланишини ва амалдаги қонун хужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилилишини Бюджет ташкилотидан талаб қилиш;

ерилган буюртманомага мувофиқ етказиб берилган "Товар (махсулот)"ни қабул қилиш асосиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қоплалишини "Бюджет ташкилоти"дан талаб қилиш.

3.4. "Етказиб берувчи" куйидагиларга мажбур:

"Бюджет ташкилоти"га "Товар (махсулот)"ни мазкур шартномага мувофиқ ёки "Бюджет ташкилоти" томонидан мазкур шартноманинг 5.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда етказиб бериш;